

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“O'zbekgeofizika” AJ
Кузатув кенгашининг
2021 йил «23» сентябр даги
қарори билан

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Вазир ўринбосари

Кузатув кенгаши раиси

Б.Ф. Исламов

М.Ў.

О.Р. Исаков

2021 йил «6» Октябрь

Рўйхат рақами Р0456-11

М.Ў.

ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“O'zbekgeofizika” aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:	R	U	I	I	I	P	O	4	5	6	T	d
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, номинал қиймати 286 сўм бўлган 408 434 961 дона оддий акциялардан иборат.

Акцияларни жойлаштириш усули - ёпик обуна.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 11-чиқарилишидир.

“O'zbekgeofizika” AJ кузатув кенгашининг 2021 йил «23» сентябр даги мажлисида қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори тасдиқланган __-сонли баённома.

“O'zbekgeofizika” AJ кузатув кенгашининг 2021 йил «23» сентябр даги мажлиси томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган __-сонли баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика поселкаси; телефонлар: 998(71)264-89-89; e-mail: info@uzbekgeofizika.uz.

Бошқаруви раиси

R. Yusupjanov

Р.А. Юсупджанов

Бош бухгалтери

T.B. Boyniyev

Т.Б. Бойниёзов

М.Ў.

Сана: 2021 йил 23 сентябр

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: «Deposit servisi» ш.а.ш. масъулияти чекланган жамияти. Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами: 2021 йил 5 майдаги 2/KU-сон.

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзаси: *X.M. Mahmudov* **Х.М. Махмудов**



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**;

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **286 сўм**;

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **408 434 961 дона**;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **116 812 398 846 сўм**;

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: **Жамият оддий акциялари эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

- депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;

- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

- жамиятнинг Уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг саводсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;

- амалдаги қонунчилик ва жамият Уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият Уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли қарорига асосан давлат улушига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **217 217 423 852 сўм**.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **759 501 482 дона**.

Шундан:

оддий акциялар: 722 365 882 дона;

имтиёзли акциялар: 37 135 600 дона.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият томонидан облигациялар жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна орқали қонунчиликда ўрнатилган тартибда жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Чикарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бирок, акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш биржадан ташқари уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри битимлар тузиш ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари (андеррайтерлар) жалб этилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси тўғрисида маълумот:

Тўлик фирма номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси.

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси.

Жойлашган жойи: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.

Почта манзили: 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.

Телефон: 998(71) 267-37-42, Факс: 998(71) 267-35-92. e-mail: info@deponet.uz, веб-сайт: www.deponet.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Қўшимча чиқарилаётган акциялар 286 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-кидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ Нефть ва газ минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастури доирасида ускуналарни сотиб олишга ажратилган маблағлар (116 812 398 332 сўм);

- аввалги акциялар чиқарилишларидан қолган қолдиқ ҳисобидан (685,26 сўм).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Мазкур чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар қонунчиликда

белгиланган тартибда амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 5 кун ичида кайтарилди.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Мазкур “Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор” рўйхатга олингандан кейин Қарорнинг қонунчиликда белгилаб ўтилган бандлари ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz), “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида (www.uzse.uz) ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uzbekeofizika.uz) жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

13. Бошқа маълумотлар. Қўшимча маълумотлар кўзда тутилмаган.



Ушбу ҳужжат тикилган, ракамланган ва муҳрланган
_____ варақ

Бошқарув раиси Р. Юсупджанов Юсупджанов Р.А.

Бош бухгалтер Т. Бойниёзов Бойниёзов Т.Б.

